



ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ БОШҚАРУВИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ ПРОГНОЗИ ВА СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ

PhD Беридиева Дилфуза Ахатовна

Тошкент архитектура-қурилиш университети

ORCID: 0000-0003-2455-385X

dili01.07@mail.ru

Акбархаджаева Зилола Зайнитдиновна

Тошкент архитектура-қурилиш университети

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий уй-жой фонди бошқарувини самарали ташкил этишнинг узоқ муддатли прогнози ва стратегик таҳлил натижалари ёритилган бўлиб, унда уй-жой фонди турларининг таснифи келтирилган. Ўзбекистон Республикасида уй-жой муаммосининг асосий таркибий қисмлари, табиатан мураккаб бўлган уй-жой фондининг муаммоли вазиятлари аниқланган. Хулосада замонавий уй-жой фонди бошқарувини самарали ташкил этиш учун асосий вазифалар белгилаб берилган ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: стратегия, уй-жой фонди, бошқарув, қурилиш, аҳоли, технология, таҳлил.

РЕЗУЛЬТАТЫ ДОЛГОСРОЧНОГО ПРОГНОЗИРОВАНИЯ И СТРАТЕГИЧЕСКОГО АНАЛИЗА ЭФФЕКТИВНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ СОВРЕМЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ЖИЛИЩНЫМ ФОНДОМ

PhD Беридиева Дилфуза Ахатовна

Тошкентская архитектура-қурилиш университет

Акбархаджаева Зилола Зайнитдиновна

Тошкентская архитектура-қурилиш университет

Аннотация. В данной статье освещены результаты долгосрочного прогноза и стратегического анализа эффективного управления современным жилищным фондом, а также представлена классификация типов жилищного фонда. Выявлены основные составляющие жилищной проблемы в Республике Узбекистан, проблемные ситуации жилищного фонда, имеющие комплексный характер. В заключении определены основные задачи эффективного управления современным жилищным фондом и разработаны предложения по его совершенствованию.

Ключевые слова: стратегия, жилищный фонд, управление, строительство, население, технологии, прогнозы.

RESULTS OF LONG-TERM FORECASTING AND STRATEGIC ANALYSIS OF EFFECTIVE ORGANIZATION OF MODERN HOUSING STOCK MANAGEMENT

PhD Beridiyeva Dilfuza Akhatovna.

Tashkent University of Architecture and Civil Engineering

Akbarkhadzhaeva Zilola Zaynitdinovna

Tashkent University of Architecture and Civil Engineering

Abstract. *This article highlights the results of a long-term forecast and strategic analysis of effective management of modern housing stock, and also presents a classification of types of housing stock. The main components of the housing problem in the Republic of Uzbekistan, problematic situations of the housing stock, which are complex in nature, are identified. In conclusion, the main tasks of effective management of modern housing stock are defined and proposals for its improvement are developed.*

Key words: *strategy, housing stock, management, construction, population, technology, forecasts.*

Кириш.

Стратегик ёндашув давлат бошқарувининг замонавий тизимида тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда стратегик режалаштиришнинг аҳамияти давлат даражасида ҳам, алоҳида тармоқлар ва корхоналар даражасида ҳам ортиб бормоқда. Уй-жой коммунал хўжалиги каби аҳоли ҳаётини таъминлашнинг муҳим тармоғи бундан мустасно эмас. Ушбу тармоқ ҳудудий инфратузилманинг асосий қисмларидан бири бўлиб, давлат томонидан тўғри бошқарув ва ривожлантириш билан у юқори даражада фаолият кўрсатиши мумкин.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати устувор йўналишларидан бўлиб, уларнинг турмуш сифатини ошириш, ҳудудларни ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ҳисобланади.

Уй-жой фонди бошқарувини самарали ташкил этишда стратегик таҳлил, режалаштириш ва прогноз тамойилларига асосланган узоқ муддатли давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳамда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида таъкидланган. Хусусан:

Замонавий уй-жой фонди бошқарувини самарали ташкил этишда соҳани замонавий бошқарувига босқичма-босқич ўтиш лозим ҳисобланади. Бунинг учун уй-жой фонди бошқаруви ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг мезонлари ва услублари ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (KPI)ни жорий қилиш; меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий тизимини яратиш лозим.

Бунда ойлик иш ҳақини давлат хизматчиси томонидан қилинаётган ишлар, уларнинг натижадорлиги, сифати, мураккаблиги, амалиётда тўғри ишлаётганлиги ва бошқа мезонлардан келиб чиқиб белгилаш; меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий тизимини яратиш эвазига ижтимоий ҳимоя ва қайта тайёрлаш чораларини кўрган ҳолда давлат хизматчиларининг сонини қисқартириш керак, яъни:

1. Замонавий бошқарув усуллари кенгайтириш. Бунга аутсорсинг, краудсорсинг ва давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллаш орқали хусусий секторга ўтказиладиган давлат органларининг вазифа ва функциялари рўйхати; аутсорсинг, краудсорсинг ва давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллаш орқали маъмурий штатлар сонини қайта кўриб чиқиш ва самарасиз штат birlikларини қисқартириш назарда тутилади.

2. Замонавий бошқарувда илғор менежмент ва «ақлли» бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтиш. Бунда:

илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, давлат органларида профессионал бошқарувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини жорий қилиш;

давлат муассасалари фаолиятини бевосита фуқаролар билан ишлашга ихтисослаштириш;

бошқарув субъектларини «Халққа — кўмакчи, тадбиркорларга — бизнес ҳамкор» сифатида фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш;

давлат ва хўжалик бошқарувида стратегик менежмент ҳамда риск менежментининг илғор инструментлари (усуллари)ни ўргатиш;

раҳбар фаолияти натижаларига доимий равишда баҳо бериш тизимини яратиш назарда тутилади.

3. Ходимларини қисқа ва ўрта муддатли ўқув курсларида ўқитиш тизимини жорий этиш.

4. Соҳа фаолиятини самарали бошқаришда стратегик таҳлил, режалаштириш ва прогноз тамойилларига асосланган узоқ муддатли давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш. Бунинг учун стратегик режалаштириш механизмлари; белгиланган штатлар доирасида вазирлик ва идораларда стратегик таҳлил ва прогнозлаштириш тузилмаларини ташкил этиш назарда тутилади.

5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асосларини такомиллаштириш. Бунда фуқаролар йиғинлари томонидан аҳоли ва ташкилотлардан ихтиёрийлик асосида маблағларни жалб этишнинг самарали механизмларини жорий этиш назарда тутилади.

6. Арзон уй-жойлар қуриш дастурини изчил давом эттириш, намунавий уйлар лойиҳаларини такомиллаштириш, энергия тежамкор технологияларни қўллаш, замонавий ва арзон қурилиш материалларидан фойдаланиш чораларини кўриш.

Бунда: уй-жойларнинг ички ва ташқи конструкциялари, қурилиш материалларини мақбул, арзон ва сифатли қурилиш материалларига ўзгартириш, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш орқали қурилиш материаллари таннархини мақбуллаштириш; 2 сотихли 2 ва 3 хонали уй-жойларни массивнинг бош режасида жойлаштиришда хўжалик йўлини қайта кўриб чиқиш орқали нархни мақбуллаштириш; қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун 15 010 та арзон уй-жойлар қурилиши; шаҳарларда 355 та кўп қаватли уйлар қурилиши назарда тутилади.

7. Кўп қаватли уй-жой фондини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиб, хорижий тажриба асосида реновация дастурини ишлаб чиқиш. Бунда кўп қаватли уй-жой фонди тўлиқ хатловдан ўтказилади. Бунинг учун фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва кўп квартиралар уйларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эскириб қолган кўп қаватли уйлар ўрнида босқичма-босқич янги уй-жойлар қуриш бўйича реновация дастурларини тасдиқлаш назарда тутилади.

Реновация ва уй-жойлар дастурлари асосида шаҳарларда эскирган уйлар ўрнига 19 млн квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жойларни барпо этиш, 275 мингдан зиёд оилани янги массивларга кўчиб ўтиши учун шароит яратиш. 1991 йилгача қурилган 1854 та эски уйларни хатловдан ўтказиш ҳамда инструментал ўрганиш натижаларига кўра реновация қилиш ишлари амалга оширилаётган 268 та уйларнинг қурилиш ва реконструкция ишларини ниҳоясига етказиш. Бунда уйларнинг тарихий ва маданий аҳамиятини алоҳида ўрганиб чиқиш лозим.

8. Республика уй-жой фондининг иситиш тизимларини яхшилаш. Бунда республика ҳудудидаги 5 та маҳаллий қозонхонани реконструкция қилинади ва 1,7 км иссиқлик таъминоти тармоқлари таъмирланади. Уй-жой мулкдорлари ширкатларида маъмурий харажатларни камайтириш учун профессионал бошқарув компаниялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш. Лойиҳада уй-жой мулкдорлари

ширкатларида маъмурий харажатларни камайтириш учун уларни давлат-хусусий шериклик бўйича инвесторларга бериш назарда тутилади.

Шунинг учун ҳам уй-жой-коммунал хўжалиги комплексини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий ва техник муаммоларини ҳал этиш зарур, бу эса ушбу тармоқни ривожлантириш стратегиясини давлат бошқарувининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан, уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига стратегик ривожланиш воситаларини жорий этиш ва такомиллаштириш ҳар томонлама изланишларни талаб этади.

Адабиётлар шарҳи.

Замонавий уй-жой фонди бошқарувини самарали ташкил этишнинг узоқ муддатли прогнози ва стратегик таҳлил натижаларига бағишланган бўлиб, миллий ва хорижий олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Жумладан, Шевченконинг (2005) илмий тадқиқотларида рейтинг маълум бир корхонани белгиланган стандартдан ажратиб турадиган масофа сифатида аниқланиши ҳамда уй-жой фондларининг молиявий бошқаруви механизми самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этиши, уларни баҳолаш орқали улар фаолиятини прогноз қилиш имкониятлари юзага келиши мумкинлиги борасида илмий изланишлар келтирилган бўлса, уй-жой фонди ҳамда бошқарув компаниялари молиявий бошқарувини тавсифлаш, уларнинг самарадорлик тизимларига рейтинг баҳолаш тизими орқали эътибор қаратиш ҳамда келгусида юзага келиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, назорат қилиш, рисклар даражасини камайтириш билан боғлиқ хулосаларни шакллантириш билан боғлиқ илмий изланишлар қисман Mohammed, Sulyman (2019), He, Cai, Hamori (2018), Hal Pawson, Julie Lawson, Vivienne Milligan (2011), Xing Quan Zhang, Sopon Pornchokchai (2008) ва Irina Gensler (2020) каби хорижий олимларнинг илмий изланишлари ва нашр эттирган ишланмаларида ўз аксини топган.


Каппушева (2010) “Ишлаб чиқилган ва амалга оширилган стратегияга эга бўлиш ҳар қандай саноат учун муваффақиятли ривожланишнинг энг муҳим элементиدير. Барқарор фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун ҳудудлар стратегик бошқарувга ўтишга мажбур бўлиб, уларнинг асосий воситалари: ривожланиш сценарийси, ривожланиш концепцияси, иқтисодий прогнозлаш, мақсадли комплекс дастурлар ва минтақавий стратегик бошқарув мақсадларини амалга ошириш механизмиدير.” деб ўз фикрини билдирган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, статистик гуруҳлаш, тизимли ва қиёсий таҳлил ва бошқа усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Уй-жой фондини такрор ишлаб чиқаришга эътибор қаратишнинг аҳамияти ва унинг аҳолини уй-жой билан таъминлашга таъсири нафақат уй-жой соҳасида юзага келган оғир вазият, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг изчил амалга оширилиши билан ҳам боғлиқ бўлиб, жамиятнинг турли қатламларининг ҳаёт сифати билан белгиланади. Бироқ, ижтимоий ва институтционал қатор муаммоларнинг ҳал этилмаган таркибий чекловларнинг таъсири замонавий уй-жой фондини ишлаб чиқаришда ички муаммоларни келтириб чиқарди. Улар орасида энг муҳимлари қуйидагилар ҳисобланади: уй-жой бозоридаги талаб ва таклифнинг номуаносиблиги; давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, тадбиркорлар, пудратчи ташкилотлар, аҳоли жамоатчилиги вакиллари ўртасида ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмининг йўқлиги; хусусий инвесторларнинг уй-жой фондини қуриш ва ундан кейинги фаолиятида улар етарли даражада рағбатлантирилмаслиги;



1-расм. Замонавий уй-жой фондини такрор ишлаб чиқаришнинг концептуал модели

Манба: муаллиф томонидан тайёрланди

уй-жой фонди жорий ва капитал таъмирлаш ишлари ўз вақтида бажарилмаслиги; ипотека кредитлаш тизимининг самарасиз олиб борилиши. Бугунги кунда замонавий уй-жой фондини такрор ишлаб чиқариш тизими, уни шакллантириш омиллари, бозор шароити асосида ишлаш ва ривожлантириш бўйича олимларининг илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Юқоридаги таъкидланган муаммоларнинг барчаси уй-жой соҳасида тизимли инқироз мавжудлигини кўрсатади. Натижада, замонавий уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни таъмирлаш давомидаги риск (ҳавф)ларни ортишига олиб келади.

1-расмда замонавий уй-жой фондини такрор ишлаб чиқаришнинг 4 та истиқболда: талаб ва таклиф; инвестиция манбалари; қурилиш ва инвестиция жараёни иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни инобатга олган ҳолда тадқиқотчи томонидан концептуал модели ишлаб чиқилди.

Замонавий уй-жой фондини қуриш ва уни келажакда самарали бошқариш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- меъёрий-ҳуқуқий маълумотлар ва қоидаларнинг номутаносиблигини олдини олишнинг янги самарали ташкилий-иқтисодий моделларини шакллантириш;

- сифатли ва арзон кўчмас мулк билан таъминлашнинг самарали бошқарув воситаларидан фойдаланиш йўллари кўриб чиқиш;

- уй-жой фонди конструктив ва коммуникацион келиб чиқадиган носоздиклар олдини олиш ва уни таъмирлаш мақсадида, унинг бозордаги баҳолаш кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади;

- аҳолига ипотека кредитларининг инновацион воситаларидан фойдаланиш имкониятини бериш ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар ролини кучайтириш орқали уй-жой фондини такрор ишлаб чиқариш бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг класстер ёндашувини тадбиқ этиш.

Кўпгина ривожланган давлатлар хусусан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳам уй-жой фонди кўчмас мулк бозорини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни муаммоларини ижобий ҳал қилишга ҳаракат қилади. Тадқиқотчи таҳлиллари асосида юқорида қайд этилган бу каби муаммолар ва унинг ечимларини амалда қўллаш эса ижобий натижаларни экстрополяция қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, замонавий уй-жой фондини такрор ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг самарали ривожланиши уй-жой бозорида талаб ва таклифни барқарорлигини таъминловчи омилларини ҳисобга олган ҳолда - рискларни аниқлаш, баҳолаш ва тартибга солиш воситаларини ишлаб чиқиш, инвестицион лойиҳалар сифатини ошириш, ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлаш билан таъминланади. Шу билан бирга, тадқиқот ишининг моҳияти шуни кўрсатадики, уй-жой хўжалиги соҳасида фан сифатида замонавий уй-жой фондини такрор ишлаб чиқариш ва уни бошқаришдаги назарий билимлар моҳияти илмий асосланган олимларнинг тадқиқот ишларида етарли даражада терминологик тушунчалар билан асосланмаган.

Турли иқтисодчи олимларнинг фикрларини умумлаштириш ва тизимлаштириш натижасида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Замонавий уй-жой фондини такрор ишлаб чиқариш ва бошқариш ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмолни ўз ичига олади.

2. Кенгайтирилган турдаги янги хизматларни инновацион турларини ишлаб чиқариш ва уни кўпайтиришнинг зарурий шarti инвестиция қилинган ортиқча қийматнинг мавжудлиги ва қайта тақсимланиши ҳисобланади.

3. Замонавий уй-жой фондини қайта ишлаб чиқариш ва самарали бошқариш жараёни даромад олиш ва қайта тақсимлашга қаратилган, маълум рисклар билан боғлиқ турли хил иқтисодий фаолият турларини ўз ичига олади.

4. Замонавий уй-жой фондини такрор ишлаб чиқариш ва уни самарали бошқариш жараёнида конструктив-коммуникацион ҳолатини тиклаш орқали умирбоқийлигини

ошириш мақсадида янги қурилиш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилишига олиб келади.

Республикамизнинг ҳудудий жойлашувига мувофиқ уй-жой бозорининг ривожланиш тенденцияларини баҳолашда комплекс услубий ёндашув таклиф этилади, Бу ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ва олинган 1 м² қиймати ўртасидаги муносабатларни аниқлашда эконометрик моделлар ва нейрон тармоқлардан фойдаланиш билан тавсифланади. Уларнинг доимий циклик мониторинги орқали, уларнинг амалга оширилиши уй-жой фонди, кўчмас мулк бозорининг ривожланиши мумкин бўлган муаммоларни башорат қилиш имконини беради.

Шуни айтиш мумкинки, гедоник талаб назарияси нуқтаи назаридан турар-жой биноларининг нархи унинг мавжуд шарт-шароитларига, қулайликлар ва коммунал хизматларга эга бўлган хусусиятларнинг йиғиндисини акс эттиради. Шу муносабат билан, иқтисодий адабиётларда турар-жой биноларининг қуйидаги истеъмол хусусиятларига хизмат кўрсатиш муаммолари аниқланди:

а) фундаменталлик;
б) индивидуаллик, ўзига хослик, ҳар хиллик (гетероженлик);
в) яшаш учун қулайлик;
д) уй-жойнинг қурилганлик муддати;
с) мулк эгаси томонидан жисмоний эскириш тезлигини назорат қилиш қобилияти;
е) товар хусусиятларининг номувофиқлиги (маҳсулот ҳақидаги ғояларнинг ассиметрияси) - ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи нуқтаи назаридан кўчмас мулк объектлари. Истеъмолчи нуқтаи назаридан, кўп ҳолларда квартира, турар-жой биноси ёки унинг бир қисми уй-жойга бўлган эҳтиёжни қондирадиган товар сифатида қаралади. Ишлаб чиқарувчининг (қурилиш ташкилотининг) позицияси бўйича товар бу тугалланган квартира, участка ёки якка тартибдаги уй-жой ҳисобланади.

г) турар-жой биноларининг қимматлиги, харид бозорининг пастлиги, турар жойни сотиб олиш ўрнига ижарага олиш, уй-жой мулкидан жамғариш (инвестиция) воситаси сифатида фойдаланиш каби оқибатларга олиб келади;


х) уй-жой олди-сотди билан боғлиқ уй-жой хизматлари харажатлар қийматининг ошиши эвазига мулкдор уй-жойни алмаштиришга яъни уй-жой комбинациясига рози бўлади;

и) оила сонининг ўсиши, унинг фаровонлигини ошириш ва бошқалар билан боғлиқ уй-жой шароитларини яхшилашга янги маиший эҳтиёжнинг пайдо бўлиши, турар-жой биноларига бўлган эҳтиёж каби муаммолар деярли қондирилмайди.

ж) ўзи жойлашган ҳудуднинг эстетик кўринишига таъсир қилиш.

Юқорида келтирилган муаммоларни бирлаштирган ҳолда турар-жой биноларини такрор ишлаб чиқариш ва бошқариш объекти сифатида қуйидаги таъриф таклиф этилади: "Турар жой - бу фуқароларнинг доимий яшаши эҳтиёжлари афзалликлари объекти учун мўлжалланган, кўп ҳарактерли хусусиятлар ва фойдалилик кўрсаткичларига эга ўзгарувчан нархлар (бозор, инвестиция, суғурта, тугатиш, кадастр) билан тавсифланган меҳнат маҳсули ҳисобланади.

Замонавий уй-жой фондини такрор ишлаб чиқариш ва самарали бошқаришни ривожлантириш турар-жой биноларини мураккаб тузилган объект сифатида қаралиши керак, яъни турли хил маиший хизматлар кўринишидаги муаммоларнинг манбаи бўлган бир қатор омиллар таъсирида шаклланади. Муаммоларнинг мавжудлиги ва самарали ечими кўринишидаги манбаларини аниқлашнинг аниқ методологиясига эга эмаслиги билан тавсифланади.



2-расм. Замонавий уй-жой фондини кўпайтиришдаги мавжуд муаммоларни стратегик (давлат маҳаллий органлари томонидан) қарорлар қабул қилиш модели

Манба: муаллиф томонидан тайёрланди.

Ҳе, Х., Саи, Х.-Ж., Ҳамори, С. (2018) Банк Средит анд Ҳоусинг Присес ин Чина.

Ученна О.; Ҳал П., Жулие Л., Вивиенне М. (2011) Сосиал Ҳоусинг стратегиес, финансинг мечанисмс анд оутсомес: ан интернатионал ревиуе анд упдате оф кей пост-2007 полисий девелопментс (Десембер).

Хинг Куан Зҳанг, Сопон П. (2008) Ҳоусинг Финансе Мечанисмс ин Тҳаиланд // Фирст публисҳед ин Наироби (ин бй Ун-Ҳабитат).

Ирина Г. (2020) Уй-жой мулкдорлари ширкатлари: турли давлатлар тажрибаси // УСАИД/Урбан институтининг Ўзбекистондаги лойиҳаси.

Капушева Т. Л. (2010) Стратегия социально-экономического развития региона и инструменты ее реализации / Т. Л. Капушева// Вестник Адыгейского государственного университета. – 2010. – № 3. – С. 15–19.